



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/2



MUNDARIJA

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY
HUQUQ. MA’MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 6 **БОТИРОВ ХУРШИД ИЛЁС ЎҒЛИ**
Парламент тадқиқот хизматлари
фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили
- 14 **НЕМАТОВ ЖЎРАБЕК НЕМАТИЛЛОЕВИЧ**
Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов
ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза
(шикоят)ларни кўриб чиқиш тартиби

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI.
OILA HUQUQI.
XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 24 **ЮСУПОВ ЖАСУРБЕК МЭЛСОВИЧ**
Общая характеристика плагиата как
правонарушения и его виды
- 32 **ЭРКАБАЕВА ШАХНОЗА ИКРОМЖОНОВНА**
Коммандитное товарищество как институт
инвестирования: законодательство и практика
применения Федеративной Республики
Германия
- 42 **БАБАКУЛОВ ЗАФАР
КУРБОННАЗАРОВИЧ**
Товар белгисига нисбатан манфаатдор шахс
талабларининг илмий ва амалий таҳлили

12.00.07 – SUD HOKIMIYATI.
PROKUROR NAZORATI. HUQUQNI
MUHOFAZA QILISH FAOLIYATINI
TASHKIL ETISH. ADVOKATURA

- 56 **ДАВЛЕТОВ ЎТКИРБЕК МАТМУРОТОВИЧ**
Ҳарбий суд: кеча ва бугун
- 66 **ИБРАГИМОВ ДИЁРБЕК ШУХРАТ ЎҒЛИ**
Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик
ижроси устидан прокурор назоратининг
ҳуқуқий асослари

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.
HUQUQBUZARLIKLARNING
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

75 **ҲАМИДОВ НУРМУҲАММАД
ОРИФ ЎҒЛИ**

Хорижий давлатлар қонунчилигида айрим трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик хусусиятлари

91 **МАТЧАНОВ ФАХРИДДИН
КУРАМБОЙ ЎҒЛИ**

Айрим хорижий давлатларда маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти билан боғлиқ масалалар таҳлили

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.
KRIMINALISTIKA,
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQI VA
SUD EKSPERTIZASI

100 **НОРОВА НАСИБА АЗАМатовна**

Понятие и значение соглашения о признании вины в уголовном процессе: международный и национальный аспект

109 **РУЗМЕТОВ БОТИРЖОН
ХАЙИТБАЕВИЧ**

Терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва исботлашнинг долзарб масалалари

122 **ЧОРИЕВА ДИЛБАР МЕНГДАБИЛОВНА**

Ишни судга қадар юритишда ҳимоя функциясининг процессуал табиати

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

132 **ВАЛИЖОНОВ ДАЛЕР ДИЛШОДОВИЧ**

Особенности развития международного сотрудничества органов прокуратуры Республики Узбекистан в рамках цифровой интеграции

12.00.12 – KORRUPSIYA MUAMMOLARI

- 141 **САФАРОВ ТЕМУР УКТАМОВИЧ**
Общие теоретические аспекты коррупции в
органах государственного управления

DAVLAT DASTURLARI

- 150 **ХАМЕДОВ ИСА АХЛИМАНОВИЧ**
О значении реформирования
законодательства об административных
процедурах в свете стратегических
приоритетов развития страны

UDC: 341.4(042)(575.1)
ORCID: 0000-0002-9053-4174

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ҚОНУНЧИЛИГИДА АЙРИМ ТРАНСМИЛЛИЙ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳамидов Нурмуҳаммад Ориф ўғли,
Тошкент давлат юридик университети докторанти;
e-mail: n.hamidov@tsul.uz

Аннотация. Ушбу илмий мақолада дунё миқёсида жиноят объекти сифатида инсоният тинчлиги ва хавфсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тенденциясини ўрганиш, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликка эришишда халқаро ҳамжамият аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий таҳлиллар ўтказилиши тўғрисидаги фикрларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, одам савдоси, терроризм, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний савдоси ва шу каби бошқа трансчегаравий жиноятлар бўйича миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқ нормалари асосида такомиллаштиришнинг янги йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш юзасидан фикр-мулоҳазалар юритилган. Бундан ташқари, трансмиллий уюшган жиноятчилик ва жиноятнинг бошқа турларига қарши курашиш ва олдини олишда ҳамкорлик қилиш юзасидан қатор шартномалар тузилиши, жумладан, хорижий мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари, жамоат тартиби ва хавфсизликка раҳна солувчи глобал таҳдидларга қарши кураш соҳасида муайян тажриба тўплашга қаратилган айрим нормаларни миллий қонунчилик асосида таҳлил қилиш борасидаги ҳулосалар баён этилган. Мақолада хорижий давлатлар қонунчилигида трансмиллий жиноятлар учун жавобгарликнинг айрим жиҳатларини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга экани асослантирилган.

Калит сўзлар: коррупция, трансмиллий уюшган жиноятчилик, жиноий жавобгарлик, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, кибержиноятчилик.

ОСОБЕННОСТИ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА НЕКОТОРЫЕ ТРАНСНАЦИОНАЛЬНЫЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ В ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВЕ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН

Ҳамидов Нурмуҳаммад Ориф ўғли,
докторант Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В данной статье особое внимание уделяется изучению тенденции уголовно-правовой защиты мира и безопасности человека как объекта преступности во всем мире, выражению мнения о проведении научного анализа для совершенствования механизмов надежной защиты прав и законных интересов членов международного сообщества при достижении экономической и социальной стабильности. В частности, обсуждается важность изучения новых направлений и перспектив совершенствования национального законодательства касательно торговли людьми, терроризма, незаконного оборота наркотиков и других подобных трансграничных преступлений на основе международного права. Кроме того, приведены выводы о заключении ряда соглашений о сотрудничестве в борьбе и предупреждении транснациональной организованной преступности и других видов преступности, включая анализ некоторых норм зарубежных стран

на основе национального законодательства, направленный на получение конкретного опыта в борьбе с глобальными угрозами правам человека, общественному порядку и безопасности. Более того, в статье утверждается, насколько важно изучить некоторые аспекты ответственности за транснациональные преступления в праве зарубежных государств.

Ключевые слова: коррупция, транснациональная организованная преступность, уголовная ответственность, терроризм, наркомания, торговля людьми, киберпреступность.

FEATURES OF LIABILITY FOR SOME TRANSNATIONAL CRIMES IN THE LEGISLATION OF FOREIGN COUNTRIES

Khamidov Nurmukhammad Orif ugli,
PhD Student of Tashkent State University of Law

Abstract. In this scientific article, paid special attention to the study of the trend of criminal law protection of peace and human security as an object of crime throughout the world, the expression of an opinion on the conduct of scientific analysis to improve the mechanisms of reliable protection of the rights and legitimate interests of members of the international community in achieving economic and social stability. In particular, discussed importance of studying new directions and prospects for improving national legislation on human trafficking, terrorism, drug trafficking and other similar cross-border crimes based on international law. In addition, in the article are given conclusions to a number of agreements on cooperation in the fight and prevention of transnational organized crime and other types of crime, including an analysis of some norms of foreign countries based on national legislation, aimed at obtaining concrete experience in combating global threats to human rights, public order and security. Moreover, the article argues that it is important to study some aspects of responsibility for transnational crimes in the law of foreign states.

Keywords: corruption, transnational organized crime, criminal liability, terrorism, drug addiction, human trafficking, cybercrime.

Кириш

Мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган айрим қоидалар жиноят ҳуқуқи ва криминология фанлари назарияси ривожига хизмат қилиши мақоланинг илмий аҳамиятини белгилаб беради. Илмий изланишлар асосидаги хулосалардан илмий тадқиқот ишларини бажаришда, юридик олий ўқув юртларида жиноят ҳуқуқи ва криминология фанларидан дарс ўтиш ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, ушбу изланишлар трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш, бу турдаги қилмишларни квалификация қилиш ва уларга нисбатан жазо тайинлашнинг миллий ва хорижий мамлакатлардаги мавжуд муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам беради.

Материал ва методлар

Илмий мақолада нафақат Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, балки бир қанча хорижий давлатлар – Австрия, Арманистон, АҚШ, Буюк Британия, Бразилия, Германия, Италия, Канада, Туркия, Хитой қонунчилиги ҳам таҳлил қилинган.

Шунингдек, ушбу илмий мақолани ёзишда тизимлилик, қиёсий-ҳуқуқий, анализ, синтез, дедукция ва индукция методларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқот натижалари

Ривожланган хорижий давлатларда трансмиллий жиноятлар учун жавобгарликка оид қонунчиликни таҳлил этиш қуйидагилар билан изоҳланади:

биринчидан, бугунги кунда ривожланган хорижий давлатлар билан салмоқли

савдо-иқтисодий, молиявий алоқалар ўрнатилган;

иккинчидан, халқаро ҳамжамият аъзоларини трансмиллий жиноятлардан жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни кафолатлаш инвестициявий жозибадорликни оширишга хизмат қилади;

учинчидан, ривожланган хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий, молиявий интеграцияга киришиш бошқа соҳаларга оид қонунчилик билан бир қаторда трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган нормаларни ҳам унификациялашни тақозо этади.

Тадқиқот натижалари таҳлили

Миллий ҳуқуқни хорижий мамлакатларнинг ҳуқуқий тизимлари билан қиёсий ўрганиш унинг афзалликларини аниқлаш ва соҳани ривожлантириш истиқболларини чуқурроқ англаб етишга ёрдам беради. Шунингдек, қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади.

А. Саидов таъкидлаганидек, “қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш, бир томондан, чет элда асосий муаммони ҳал қилишда ўзини оқлаган фойдали омилларнинг барчасини аниқлашга кўмаклашса, бошқа томондан, хориж тажрибасининг салбий жиҳатларини, у ёки бу ҳуқуқий ечимларнинг самарали эмаслигини ҳисобга олиш учун имконият яратади” [1].

Дарҳақиқат, қиёсий ҳуқуқшунослик мавжуд миллий ҳуқуқнинг нисбийлигини акс эттирган ҳолда, миллий қонунчиликни ривожлантириш истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли хорижий давлатлар қонунчилигида трансмиллий жиноятлар учун жавобгарликнинг айрим жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб масаладир.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, бир қатор хорижий давлатлар (Австрия, Арманис-

тон, АҚШ, Буюк Британия, Бразилия, Германия, Италия, Канада, Туркия, Филиппин, Хитой, Озарбайжон, Қирғизистон, Молдова, Туркменистон, Тожикистон ва б.қ.) тажрибасини ўрганиш асосида террористик ҳаракатларга жалб этиш, кўмаклашиш, террористик ҳаракатларни содир этишга оммавий ундаш, қўллаб-қувватлаш, террористик ҳаракат тўғрисида қасддан ёлғон хабар бериш, террористик гуруҳ ва террористик ташкилот тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унинг фаолиятида иштирок этиш каби жиноятлар учун жавобгарликни алоҳида моддаларда белгилаш мақсадга мувофиқ.

Терроризмнинг мақсади халқаро муносабатларни мураккаблаштириш, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини бузиш, хавфсизлигига путур етказиш, уруш ва қуролли можаролар чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш, давлат органини, халқаро ташкилотни, уларнинг мансабдор шахсларини, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир фаолиятни амалга ошириш ёки амалга оширишдан тийилишга мажбур қилиш кабилар ҳисобланади. Шу билан бирга, терроризмнинг мақсади сифатида – давлат ҳокимияти ва қуролли тузилмалар фаолиятига путур етказиш (Тожикистон ЖКда); – айбдор шахснинг бошқача ноқонуний қарорларини бажаришга мажбурлаш (Арманистон ЖКда); – жамоатчилик эътиборини ушбу қилмишларни содир этган шахснинг муайян сиёсий, диний ёки бошқача қарашларига қаратиш (Молдовада ЖКда) ҳам кўзда тутилган. Шу маънода давлат ҳокимияти ва қуролли тузилмалар фаолиятига путур етказишни терроризмнинг мақсади сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖК 155-моддаси биринчи қисми диспозициясига киритиш таклиф этилади. Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ЖК 155-моддаси биринчи қисми диспозициясида терроризмнинг объектив томони сифатида атроф-муҳитга жиддий

зиён етказишни белгилаш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, бу моддани такомиллаштиришда терроризмни амалга оширганлик ва бу билан таҳдид қилганлик учун ягона қисмда жавобгарликни белгилаш инсонпарварлик ва одиллик принципларига тўғри келмаслигини ҳисобга олиб, уларни алоҳида қисмларга ажратиш жоиз.

Терроризмнинг объектив томони кўп давлатларда зўрлик, куч ишлатиш, шахс ёки мол-мулкка хавф туғдирувчи бошқа қилмишлар сифатида таърифланади. Шу билан бирга, айрим давлатларда террор портлатиш, ўт қўйиш (Тожикистон, Озарбайжон), сув тошириш, кўпчилик учун хавфли усулларни қўллаш (Беларусь), атроф-муҳитга жиддий зиён етказиш (Молдова) орқали ҳам амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

МДХга кирувчи аксарият давлатларда (Туркменистондан ташқари) терроризмни тайёрлашда иштирок этиб, ҳокимият органларига ўз вақтида хабар берган ёки бошқа усул билан оғир оқибатлар юзага келишининг олдини олган шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликдан озод этишни назарда тутувчи рағбатлантирувчи норма мавжуд (Тожикистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Арманистон, Беларусь ЖКлари). Шунингдек, Молдова ЖКда анъанавий рағбатлантирувчи нормага қўшимча равишда террористик ҳаракатни содир этган шахс ёки унинг иштирокчиси ҳокимият органларини тегишли ҳаракатлар тўғрисида хабардор қилсалар ҳамда шу орқали инсонлар ўлими, уларга тан жароҳати етказилиши ёки соғлиғига бошқача зарар етиши ёки бошқача оғир оқибатлар ёки бошқа жиноятчиларни фош этишга кўмаклашсалар, уларга нисбатан мазкур моддада кўзда тутилган жиноий жазонинг энг кам миқдори қўлланилиши белгиланган (Молдова ЖК 278-м.).

Шу билан бирга, инсонпарварлик ва одиллик нуқтаи назаридан Қирғизистон тажрибаси алоҳида қизиқиш уйғотади.

Чунки деярли барча давлатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКда ҳам терроризмни амалга оширганлик ва бу билан таҳдид қилганлик учун ягона бандда жавобгарлик белгиланган. Қирғизистонда террористик ҳаракатни содир этиш билан таҳдид қилганлик учун биринчи қисмда, уни амалга оширганлик учун эса иккинчи қисмда (Қирғизистон ЖК 239-м.) алоҳида жавобгарлик белгиланган.

Бу турдаги жиноятларга оид статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида Ўзбекистон Республикаси ЖК 155² ва 155³-моддаларида назарда тутилган жиноятлар динамикасида ўсиш кузатилаётганини қайд этиш лозим. Хусусан, ЖКнинг 155¹-моддаси (тайёрланаётган ёки содир этилган террорчилик ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар ва фактлар ҳақида хабар қилмаслик) бўйича 2015 йилда 2 та, 2016 йилда 26 та, 2017 йилда 27 та ҳамда 2018 йилда 9 та жиноят иши қўзғатилган. ЖКнинг 155²-моддаси (террорчилик фаолиятини амалга ошириш мақсадида ўқувдан ўтиш, чиқиш ёки ҳаракатланиш) бўйича 2015 йилда 6 та, 2016 йилда 13 та иш, 2017 йилда 30 та, 2018 йилда 19 та жиноят иши қўзғатилган. ЖКнинг 155³-моддаси (терроризмни молиялаштириш) бўйича 2017 йилда 5 та, 2018 йилда 13 та ҳамда 2019 йилда 15 та жиноят иши қўзғатилган.

Шу ўринда уюшган жиноятчилик ривожланишига замин яратаётган трансмиллий характердаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мақсадидаги ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишлар учун айрим хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида жавобгарлик белгиланиши масалаларини таҳлил қиламиз.

Ноқонуний молиявий операциялар орқали жиноий даромадларни легаллаштириш хуфиёна иқтисодиётнинг асосини ташкил қилиб, давлатларнинг иқтисодий хавфсизлиги ва молиявий барқа-

рорлигига зарар етказди, жиноятларни фош этишни қийинлаштиради, жиноий гуруҳлар (уюшмалар)га ўз ноқонуний фаолиятларини амалга ошириш имконини беради. Шу жиҳатдан ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ қилмиш сифатида жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга оид жиноий фаолият халқаро, трансчегаравий аспектларга эга бўлиб, ушбу глобал таҳдидга қарши курашиш учун бутун жаҳон ҳамжамиятининг кучларини бирлаштириш тақозо этилади. Шу боис халқаро ҳамжамият жиноий йўл билан топилган пул ёки бошқача тарздаги мол-мулкни трансмиллий легаллаштиришнинг олдини олиш учун самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш борасида бир қатор ҳужжатлар қабул қилди.

БМТнинг 1988 йилда Вена шахрида қабул қилинган Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг асоси бўлди. У БМТнинг иштирокчи давлатлар учун жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни ташкил этишга глобал ёндашув тамойилларини ўрнатди, шунингдек, “жиноий даромадларни легаллаштириш” тушунчасини аниқлаштирди. Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги конвенциянинг 3-моддасига кўра, иштирокчи давлатлар ўз қонунчилигига биноан, ноқонуний молиявий операциялар, шу жумладан, жиноий даромадларни легаллаштириш ҳаракатларини қуйидаги қилмишлар қасддан содир этилганда жиноят сифатида баҳолайди:

– мулк тўғридан-тўғри жиноий деб эътироф этилган ҳар қандай жиноят натижасида ёки жиноят манбасини яшириш ёки яшириш учун ёки бирон-бир ҳуқуқбузарлик ёки жиноятда иштирок этиш нати-

жасида олинган бўлса ёки бундай жиноят ёки жиноятларни содир этишда бевосита иштирок этган ҳар қандай шахсга ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликдан қочиш мақсадида мулкни конвертация қилиш ёки ўтказиш;

– жиноят деб эътироф этилган ҳар қандай қилмиш натижасида олинган ёки жиноятда иштирок этиш натижасида қўлга киритилган мулк ёки унинг мансублигига нисбатан ҳақиқий юридик табиати, манбаси, жойлашуви, тасарруф этиш усули, ҳаракатланиши ва ҳақиқий ҳуқуқларини яшириш;

– ўз конституциявий асослари ва ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, мулкни сотиб олиш, эгалик қилиш ёки ундан фойдаланиш, агар у олинган вақтда бундай мулк тўғридан-тўғри тан олинган ҳар қандай жиноят ёки жиноятда иштирок этиш натижасида олинганлиги маълум мулк бўлса;

– ушбу моддага мувофиқ эътироф этилган ҳар қандай жиноятни содир этиш, бундай жиноятни содир этишга уриниш, шунингдек, уларни содир этишда ёрдам бериш, рағбатлантириш ёки маслаҳат бериш мақсадида жиноят ишида қатнашиш, иштирок этиш ёки жиноятчиларни қўллаб-қувватлаш; мазкур конвенциянинг 3-моддасига мувофиқ, “содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилигига қараб иштирокчи давлатларнинг жиноятчига турмага қамаш, озодликдан маҳрум қилиш, жарима ҳамда мол-мулкни мусодара қилиш таҳдидининг мавжудлиги”.

Ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ жиноятларни тадқиқ қилган айрим олимлар жиноий даромадларни легализация қилишнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этиладиган концепциясини очиб берувчи қуйидаги мажбурий белгиларни ажратиб кўрсатадилар: конвертация қилиш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш билан боғлиқ ҳаракатлар ва жиноий қасдни амалга ошириш; жиноий йўл билан

орттирилган мол-мулкнинг (даромаднинг) жиноий манбасини яшириш ёки жиноий фаолиятдан олинган даромадни легализация қилиш жиноятини содир этишда иштирок этган ҳар қандай шахсга жавобгарликдан қочиш учун ёрдам бериш [3].

Шунингдек, конвенциянинг 1-моддасида “даромад” ва “мулк” тушунчаларига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, жиноий даромадлар жиноят натижасида бевосита ёки билвосита олинган ёки қўлга киритилган ҳар қандай мол-мулкдир. Мулк – моддий, номоддий, кўчар, кўчмас мулклар, моддий ёки номоддий активлар, шунингдек, бундай активларга ёки уларда иштирок этиш ҳуқуқини тасдиқловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ёки уларга нисбатан эгалик ҳуқуқини англатувчи ҳужжатлар.

Шундай қилиб, БМТнинг юқорида келтирилган конвенцияси жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши халқаро миқёсда курашни ташкил этиш тамойилларини белгиловчи қатор норма-принципларни ўзида мустаҳкамлади.

Юридик адабиётларда сўз юритилаётган Вена конвенциясида акс этган “легаллаштириш” (ювиш) таърифи [2] жаҳон жамоатчилиги томонидан илиқ қарши олинди, ҳатто Европа Кенгашининг 1990 йилда Страсбургда қабул қилинган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ювиш), аниқлаш, олибқўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги конвенциясида ҳам худди шу мазмунга ўхшаш ифода баён қилинди (конвенциянинг 6-моддаси 1-банди).

Бироқ ушбу таърифга қўшимча равишда мазкур конвенция жиноий даромадларни легаллаштириш (ювиш)га қарши курашиш билан боғлиқ факультатив қоидаларни ҳам жорий қилди. Шундай қилиб, конвенциянинг 6-моддаси 3-бандига асосан, ҳар бир иштирокчи лозим ҳолларда ўз ички қонунчилигига мувофиқ қилмиш ёки унинг айрим қисмларини жиноят

сифатида баҳолаш учун ўзига боғлиқ барча бевосита чораларни кўради, агар шахс:

- мулкнинг ноқонуний равишда олинган даромад эканини олдиндан билиши лозим бўлган бўлса;

- фойда олиш мақсадида ҳаракат қилган бўлса;

- жиноий фаолиятни давом эттиришга ёрдам берган бўлса.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Страсбург конвенциясида илк марта легаллаштиришда “асосий жиноят”нинг таърифи тўғри берилган. Конвенциянинг 1-моддасига мувофиқ, “асосий жиноят” келгусида легаллаштиришобъекти бўлиши мумкин бўлган жиноий даромадни қўлга киритишга олиб келган ҳар қандай жиноятдир. Вена конвенциясига қараганда ушбу конвенцияда потенциал жиноий даромад манбаи бўлган жиноятлар доираси сезиларли даражада кенгайтирилди.

Юридик адабиётларда кўрсатилишича, ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишга БМТнинг яна иккита конвенцияси – 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши ҳамда 2003 йил 31 октябрдаги Коррупцияга қарши конвенциялар ҳам муносиб ҳисса қўшди. Уларда ҳам ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жинояти халқаро характердаги жиноятлар тоифасига киритилди. Шу билан бирга, Вена конвенциясида берилган “жиноий даромадларни легаллаштириш” тушунчаси сақланиб қолинди. Мазкур конвенцияларда коррупция ёки трансмиллий уюшган жиноятчилик билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатлар “асосий жиноят” сифатида эътироф этилди.

Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциянинг 6-моддаси ҳамда Коррупцияга қарши конвенциянинг

23-моддасига мувофиқ, “асосий жиноят”лар тегишли иштирокчи давлатнинг юрисдикцияси доирасида ҳамда ундан ташқарида содир этилган жиноятларни ўз ичига олади, бунда содир этилган қилмиш ҳар иккала давлатда жиноий жавобгарликка сазовор бўлиши лозим [7].

Юқорида баён қилинганларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, БМТ тадрижий равишда ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ жиноий даромадларни ювиш, коррупция ҳамда трансмиллий жиноятчиликка қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқувчи халқаро марказга айланиб борди. Шу билан бирга, ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ қилмишларга қарши кураш соҳасида бу турдаги қилмишларга қарши курашишнинг молиявий чора-тадбирларини ишлаб чиқувчи ҳукуматлараро гуруҳ (FATF)нинг “40 + 9 тавсиялар”и асосий стандарт сифатида қабул қилина бошланди.

FATF (Financial Action Task Force on Money Laundering – Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш молиявий ҳаракати) 1989 йилнинг июль ойида “Катта еттилик” давлатлари томонидан ташкил этилган, 1990 йилда ишлаб чиқилган биринчи таҳрирдаги 40 та тавсия кейинчалик молиявий тизимлар ва жиноий даромадларни легаллаштириш билан шуғулланувчи шахсларга қарши курашиш халқаро дастури сифатида чоп этилди.

FATF мазкур 40 тавсияни 1996 ва 2003 йилларда қайта кўриб чиқди. Унда, жумладан, жиноий даромадларни легаллаштирганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш, жиноий йўл билан топилган мол-мулкни мусодара қилиш чоралари (1-3-тавсиялар) назарда тутилган. Шунингдек, ушбу ўзгаришларда турли давлатларда молиявий разведка бўлинмалари, давлат молиявий тизимини жиноий мақсадларда ишлатиш ҳолатларини аниқлаш ва молиявий жиноятларга қарши курашиш

соҳасидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлаш бўйича махсус хизматларни ташкил қилиш ҳам қайд этилган. Ушбу ташкилотнинг фаолият доираси кенг қамровли бўлиб, бирламчи вазифаси ноқонуний молиявий операциялар ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши муваффақиятли курашишнинг зарурий мезонларини ишлаб чиқиш саналади.

2000 йилда FATF ўз юрисдикциясида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг олдини олиш учун етарли чоралар кўрмаган ўн беш мамлакатдан ташкил топган “қора рўйхат”ни эълон қилди [8].

Юридик адабиётларда FATF универсал ташкилот сифатида қайд этилса-да, бироқ ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ жиноятлар, жумладан, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг ҳудудий даражадаги тизимини яратиш зарурати туғилди. Негаки жиноий даромадларни легаллаштиришнинг тобора кенг тарқалиши, шунингдек, жиноий фаолиятнинг бир мамлакатдан бошқасига кўчирилиши орқали жиноий хатти-ҳаракатларни яширишга интилиш юқоридаги заруратни келтириб чиқарди. Шундай қилиб, 2004 йилда Россия Федерацияси ташаббуси билан МДХ ҳудудида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича минтақавий Евроосиё гуруҳи (ЕОГ) ташкил этилди. ЕОГда тўққиз давлат иштирок этади. Булар: Беларусь, Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон.

ЕОГнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишнинг халқаро стандартларини тарқатишда иштирок этиш; молиявий разведка

бўлиналари ваколатлари доирасида қўшма тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш; халқаро ташкилотлар, ишчи гуруҳлар ва барча манфаатдор давлатлар билан ҳамкорлик дастурларини мувофиқлаштириш; жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш соҳасидаги тенденцияларни баҳолаш; амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш; шунингдек, ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш учун тажриба алмашиш.

Минтақавий гуруҳнинг ташкил этилиши ушбу соҳада МДХга аъзо мамлакатлар қонунчилигини такомиллаштириш ва миллий тизимлар ўзаро ҳамкорликда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишининг амалий масалаларини ўз вақтида ҳал этиш имконини беради [7].

FATF тавсияларининг янгиланган версиясига кўра, аъзо давлатлар томонидан жиноий даромадларни легаллаштириш БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши ҳамда 2003 йил 31 октябрдаги Коррупцияга қарши конвенциялари асосида жиноят сифатида кўриб чиқирилиши керак [9].

Юқорида қайд этилганидек, ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ (ЖКнинг 175-, 188¹- ва 243-м.) жиноятларнинг ҳуқуқий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, халқаро нормалар ва принциплар, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 январдаги қонуни билан “Жиноий

фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун таҳририда қабул қилиниб, унга қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, унда мазкур қонуннинг қўлланилиш соҳаси аниқлаштирилди. Киритилган ўзгартиришга мувофиқ, мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, юридик шахсларга, уларнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналарига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ўтказилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат органларига нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу қонунда “жиноий фаолиятдан олинган даромадлар”, “жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш”, “пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш”, “операцияларни тўхтатиб туриш” каби тусунчаларга ҳуқуқий таъриф берилган.

Унга кўра, жиноий фаолиятдан олинган даромадлар – жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек, бундай мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф, худди шунингдек, тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уларни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан уларнинг келиб чиқишига қонуний тус беришдан, худди шунингдек, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусияти, манбаи, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усули, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқлари ёки уларнинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган, жиноий жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмиш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш – пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни ўтказиш, конверсиялаш, тасарруф этиш ёхуд кўчиришни тақиқлаш;

операцияларни тўхтатиб туриш – миждознинг пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни кўчириш, конверсиялаш, ўзга шахсларга эгалик қилиш ва фойдаланиш учун бериш, шунингдек, юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш [10].

Ўзбекистон Жиноят кодексида республика манфаатларига ҳилоф равишда битимлар тузиш (175-м.), пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият (188¹-м.), жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (243-м.) каби жиноятлар, ноқонуний молиявий операциялар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Ноқонуний молиявий операцияларга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ва миллий қонунчилик нормалари, баён қилиш шаклига қарамай, деярли бир хил мазмун касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 сентябрдаги қарори билан Жиноий фаолиятдан олинган даро-

мадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролли тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича идоралараро комиссия ташкил этилган [11].

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Евроосиё гуруҳига аъзо давлатларнинг ўзаро баҳолаш 2-босқичини ўтказиш режасига мувофиқ, 2019–2020 йилларда Ўзбекистоннинг ушбу йўналишдаги миллий тизимини ўзаро баҳолаш режалаштирилган.

Ушбу босқичдан муваффақиятли ўтиш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (FATF) тавсиялари ижросини таъминлаш мақсадида мазкур соҳада фаолият юритувчи вазирлик ва идоралар иштирокида хавфларни миллий даражада баҳолаш ўтказилмоқда. Уларнинг мансабдор шахслари зиммасига ўз йўналиши бўйича шахсий жавобгарлик юкланди.

Масалан, банклар, кредит ташкилотлари ҳамда қимматбаҳо металллар ва тошлар билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар бўйича Марказий банк раисининг ўринбосари жавобгар. Жами 6 та сектор бўлиб, масъул шахслар сони ҳам шунча.

Мазкур қарор билан ташкил этилган комиссия хавфларни баҳолаш бўйича ишларни ташкил этиш, ушбу соҳадаги давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, FATF тавсиялари ва шу соҳадаги халқаро ҳужжатларни имплементация қилиш, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини аниқлаш билан шуғулланади.

Комиссиянинг ишчи органи – Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, жи-

ной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш фаолиятига жалб қилинган ташкилотлар – *банклар, кредит, риэлторлик, лизинг ташкилотлари, адвокатура, нотариат* ходимларини ўқитиш ҳамда уларнинг малакасини ошириш чораларини кўради [12].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашишни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш тенденцияси кузатилмоқда. Бизнингча, бу борада амалдаги соҳавий қонун ва қонуности ҳужжатлар, шунингдек, жиноят қонунчилигига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (FATF) тавсиялари ижросини таъминлаш бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ иқтисодий жиноятчилик жаҳоннинг деярли ҳар бир давлатига хос ҳодисага айланган. Ушбу турдаги жиноятларнинг вужудга келиш сабаблари турли мамлакатларда турлича бўлиб, аксарият ҳолларда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Мазкур тоифадаги жиноятларнинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг универсал жиноий-ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқиш деярли мумкин эмас [13].

Жумладан, сўз юритилаётган жиноятларга қарши курашиш масаласида Евроосиё интеграцияси муайян хавф ва чекловларга эга. Хусусан, мутахассислар Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ)га аъзо давлатларнинг молиявий бозорларидаги иштирокчиларни ноқонуний молиявий операцияларни амалга оширишда, шу жумладан, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялашда

иштирок этиши хавфи мавжуд, деб ҳисоблашади [14].

Россия Федерацияси мисолида оладиган бўлсак, “ноқонуний молиявий операциялар” тушунчаси тегишли федерал қонун [15] билан муомалага киритилган ва банк, валюта, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши, солиқ, божхона билан боғлиқ молиявий операцияларни ўз ичига олади. Қайд этиш керакки, ноқонуний молиявий операцияларнинг ўзига хос хусусиятлари, асосан, ЕОИИ, МДҲ ва Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги минтақавий иқтисодий интеграцияга боғлиқ.

Жумладан, сўнгги йилларда трансчегаравий банк операцияларида жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш хавфини амалга оширишга мисол сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- псевдоимпорт орқали амалга оширилган ноқонуний молиявий операциялар (“Беларусь-Қозоғистон схемаси”) [16];

- постсовет давлатларнинг молиявий институтларидан фойдаланган ҳолда ноқонуний пул ўтказиш (“Эстония схемаси”) [17];

- Евроосиё иқтисодий иттифоқида пул ўтказмаларининг норасмий схемалари (“Ҳавала”)дан фойдаланиш [18];

- банкларни қимматли қоғозларни етказиб беришни сохталаштириш схемаларига жалб қилиш [19];

- капитални чет элга чиқариш (“Молдова схемаси”) [20] ва бошқалар.

Қуйида улардан айримларига тўхталиб ўтаммиз.

Жумладан, псевдоимпорт орқали амалга ошириладиган ноқонуний молиявий операциялар “Беларусь-Қозоғистон схемаси”га кўра, Қозоғистон ва Беларусь Республикасидан Россия Федерациясига псевдоимпорт қилинади. Бунинг воситасида валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган ҳолда рус капитали импорт сифа-

тида оффшорлаштирилади [14]. 2010 йилда ташкил этилган ягона божхона ҳудуди унга аъзо давлатларнинг чегара назорати йўқлиги сабабли оффшорга маблағ ўтказиш учун идеал схема яратишга имкон берди. Чунки ягона божхона ҳудудида импортёрларга товарни декларация қилиш ҳамда уни рус божхонасида товар мавжудлиги тўғрисидаги декларацияни расмийлаштириш талаб этилмайди.

Россия банкининг билдиришича [16], бу схемада Қозоғистон ва Беларусь Республикаси фуқаролари томонидан валюта тушумини қайтариш талаби бажарилмасдан, ушбу давлатлардан псевдоимпорт қилинган товарлар учун пул кўпинча Россиядан Беларусь ва Қозоғистон Республикаси ҳудудида бўлмаган бошқа хорижий банкларда очилган ҳисоб рақамларга ўтказилади.

Постсовет давлатларнинг молиявий институтларидан фойдаланган ҳолда, ноқонуний пул ўтказиш (“Эстония схемаси”) [17] тадқиқотчилари фикрича, нақд пул миқдори ортиб бориши, нақд пул ҳажмининг ўсиши уларни жинойий мақсадларда ишлатиш хавфини оширмоқда [29]. Нақд пулдан фойдаланишни рағбатлантирадиган асосий омиллар эса қуйидагилардан иборат:

биринчидан, векселлар, чеклар, акциялар, банк чеклари каби пул воситаларининг мавжудлиги нақд пул шаклида тўловларни қабул қилиш имконини беради;

иккинчидан, хуфиёна иқтисодиёт;

учинчидан, товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлашда жисмоний шахслар томонидан нақд пулсиз тўловлардан фойдаланишнинг паст даражаси;

тўртинчидан, аҳолининг нақд пулда олинадиган ва сақладиган норасмий даромадлари ва бошқалар.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, нақд қилинган пул маблағлари кўпинча ноқонуний, коррупция мақсадларида қўлланилгани сабабли иқтисодиётнинг нор-

мал фаолиятига таҳдид солади [13].

Маълумотларга кўра, пул маблағларини нақдлаштириш усуллари қуйидагилар:

– юридик шахслар ўз ҳисоб рақамларидан банк кассаси орқали хўжалик ва бошқа харажатлар, иш ҳақини тўлаш, товарлар ва материалларни харид қилиши;

– жисмоний шахслар банк кассаси орқали чеклар бўйича, банк пластик карталари орқали кредит ташкилотларининг банкоматлари, почта алоқаси бўлимлари (пул ўтказмаларини тўлаш шаклида) ва Western Union типигаги пул ўтказмалари тизими орқали нақдлаштириши ва бошқалар.

“Росфинмониторинг” маълумотларига қараганда, чет элда пул ўтказиш схемаларида энг кўп ишлатиладиган мамлакат Эстония бўлиб, унинг нақдсиз шаклдаги пулларни нақд пулга айлантириш учун қулай жой сифатида объектив танланишининг қуйидаги сабаблари мавжуд:

– турли валюталарни алмаштириш ва нақд пулсиз шаклдан нақд пулга ўтказиш учун турли хизматларни кўрсатувчи, кредит ташкилотлари мақомига эга бўлмаган валюта идораларининг кенг тарқалганлиги (*AS Tavid, AS Talvead, OU Instance* ва бошқ.);

– кўрсатилган хизматлар учун нисбатан кичик маржалар;

– географик яқинлик, нақд пулни Евроосиё давлатлари бўйлаб қайтариш харажатларининг нисбатан минималлиги.

FATFнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқида пул ўтказмаларининг норасмий схемалари (“Хавала”)дан фойдаланиш бўйича “Жинойий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришда хаваланинг ўрни ва унинг бошқа усуллардан фарқи тўғрисида”ги ҳисоботида бундай ишлар Ўрта Осиё, Афғонистон ва Покистон ҳудудида – *hawala*; Ҳиндистонда – *hundi*; Хитойда эса – *fei ch'ien* усулида амалга оширилиши қайд этилган [18]. Унга кўра, *hawala* усули анъанавий равишда

наркотрафикни молиялаштириш мақсадида Марказий Осиёдан келган меҳнат мигрантлари томонидан қўлланилади.

Ривожланган давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлил қилинганда, ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ фирибгарлик, давлат манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш, жиноий даромадларни легаллаштириш каби қилмишлар оғир ва ўта оғир жиноятлар таснифига киритилганини кўриш мумкин.

Жумладан, мазкур турдаги қилмишлар учун АҚШда 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва 1 млн доллар миқдорида жарима [21], Германия [22], Жанубий Корея [23] ва Латвия [24]да 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш, Сингапурда 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши белгиланган. Хитойда давлат манфаатларига зарар етказилган битимни тузган давлат органи ёки давлат улуши бўлган ташкилотнинг мансабдор шахсига нисбатан жиноий жавобгарлик ўрнатилиб, 7 йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш назарда тутилган [25].

“PricewaterhouseCoopers” халқаро аудиторлик компанияси томонидан ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, 2015 йилда дунёда содир этилган жиноятларнинг 36 %ини иқтисодий жиноятлар ташкил этиб, улар мансабдор шахслар томонидан содир этилиши ҳолатлари кузатилмоқда [26]. Шу жиҳатдан ҳам ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиги бошқа иқтисодий жиноятлардан анча юқори [30].

Мансабдор шахслар томонидан ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ содир этилган иқтисодиёт асосларига қарши жиноятларнинг аксарияти давлат манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш, ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож этиш, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда талон-торож этиш, савдо ва хизмат кўрса-

тиш соҳасидаги фирибгарлик ва жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш жиноятларидан иборат.

Қайд этиш лозимки, давлат манфаатларига хилоф равишда битим тузганлик учун жиноий жавобгарлик Россия, Беларусь, Молдова, шунингдек, Қозоғистон ҳамда Қирғизистон жиноят қонунларида учрамайди.

Жумладан, сўнгги икки йил давомида Россияда ҳисобга олинган давлат манфаатларига хилоф равишда битим тузиш жиноятларининг деярли ярми – 48 %и мансабдор шахслар томонидан ёки уларнинг иштирокида содир этилгани қайд этилган. Ваҳоланки, 2014 йилда бу кўрсаткич 60 %ни ташкил этган.

Жиноятчилик турлари кесимида олинганда, ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож этишнинг 72 %и, савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фирибгарликнинг 33 %и, бухгалтерлик ҳужжатларини сохталаштириш ва компьютер техникаси воситалари ёрдамида талон-торож этишнинг 23 %и, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришнинг 12 %и мансабдор шахслар томонидан содир этилган.

Жиноят содир этган ушбу мансабдор шахсларнинг 31 %и бошланғич (кичик таркибдаги), 42 %и (аксарият) ўрта бўғин, 15 %и эса юқори лавозимдаги раҳбар ходимлардан иборат.

Мансабдорларнинг аксари (62 %) 31-40 ёш оралиғидаги, олий маълумотга эга бўлган (72 %) эркаклардир (77 %).

Жиноятлар оқибатида эса давлат ташкилотларига турли миқдорда зарар етказилган. Жабрланган ташкилотларнинг 44 %и 100 минг АҚШ долл.гача, 25 %и 100 мингдан 1 млн долл.гача, 23 % эса млн долл.дан ортиқ моддий зарар кўрган [27].

Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга нисбатан мурасиш муносабати билан яхши танилган Сингапурда эса 2015 йилда содир этилган иқтисодий жиноятларнинг 22 %и мансабдор шахслар билан боғлиқ.

Дунё бўйича қайд этилган иқтисодий жиноятлар (36 %) кесимида нисбатан ушбу кўрсаткич нисбатан камроқдир.

Экспертлар фикрича, ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ жиноятлар динамикаси мамлакатда корпоратив бошқарувнинг яхши ривожлангани ва коррупциянинг пастлиги билан баҳоланмоқда.

Ушбу турдаги жиноятларда ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож этишнинг 61 %и, компьютер техникаси воситалари ёрдамида талон-торож этишнинг 43 %и, савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фирибгарликнинг 35 %и, жиний йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришнинг 26 %ида мансабдор шахслар иштироки бор.

Бу даврда Франция давлат ва хусусий сектор ташкилотларининг 68 %и иқтисодий жиноятлар жабрланувчисига айланган. Мазкур жиноятларда мансабдор шахсларнинг фаол ёхуд пассив даражада иштироки аниқланган.

Фаолият турлари кесимида олинганда, молия соҳасида 48 %, истеъмол товарларини тарқатиш ва телекоммуникация соҳасида 44 %, транспорт ва логистика хизматида 42 %, муҳофаа, аэрокосмика, энергетика ва суғурта соҳасида 37 %, қурилиш-инжиниринг соҳасида 30 %, туризм, фармацевтика ва автомобиль соҳасида 39 % ҳолатда бу жиноятлар содир этилишида мансабдор шахсларнинг у ёки бу тарздаги дахлдорлиги қайд қилинган.

Ушбу жиноятлар ўзлаштириш ва растрата йўли билан (56 %), компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда (33 %), савдо ва хизмат кўрсатиш жараёнида фирибгарлик йўли билан (25 %), жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш орқали (23 %), бухгалтерлик ҳужжатларини сохталаштириш (13 %) йўли билан содир этилган.

Мазкур тоифадаги жиноятлар оқибатида эса компанияларнинг 53 %ига 100 минг долларгача, 22 %ига 100 минг доллардан

1 млн долларгача, 13 %ига 1 млн доллардан 100 млн долларгача, 1 %ига 100 млн доллардан ортиқ зарар етказилган.

Жиноят содир этган мансабдор шахсларнинг аксарияти 31-40 ёш оралиғидаги (44 %), 10 йил иш стажига эга (40 %), олий маълумотга эга эркак кишилардир (76 %) [28].

2015–2018 йиллар давомида Буюк Британияда содир этилган иқтисодий жиноятларнинг 55 %ини мансабга боғлиқ иқтисодий жиноятлар ташкил этган. Жиноятга алоқадор мансабдор шахсларнинг 31 %и турли иқтисодий компанияларда фаолият юритувчи шахслар, 60 %и эса давлат хизматчиларидан иборат.

Жиноят содир этган ушбу мансабдор шахсларнинг 18 %и юқори лавозим, 36 %и ўрта бўғин, 28 %и эса кичик таркибдаги раҳбар ходимлардир [4].

Ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож этишнинг 49 %ида, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиш йўли билан талон-торож этишнинг 44 %ида, товар ва хизматлар кўрсатишдаги фирибгарликнинг 18 %ида, бухгалтерлик ҳисоботларини сохталаштириш жиноятларининг 16 %ида мансабдор шахслар иштирок этган.

Ушбу даврда АҚШ компанияларининг 1/3 қисми (36 %) мансабга боғлиқ иқтисодий жиноятларнинг жабрланувчисига айланган.

Мансабдор шахслар дахлдор бўлган ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти (55 %) ўзлаштириш ва растрата йўли билан содир этилган. Шунингдек, компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда талон-торож этиш ҳам АҚШда мансабдор шахсларнинг асосий жиноят содир этиш усулларида ҳисобланади (54 %).

Бундан ташқари, ушбу турдаги жиноятлар савдо ва хизмат кўрсатиш жараёнида фирибгарлик йўли билан (22 %), жиний фаолиятдан олинган даромадларни ле-

галлаштириш орқали (15 %), бухгалтерлик ҳужжатларини сохталаштириш (16 %) йўли билан содир этилган.

Тадқиқ этилган аксарият хорижий давлатларда давлат манфаатларига ҳилоф битим тузиш жиноятини содир этган мансабдор шахсларнинг 18 %и юқори лавозим, 29 %и ўрта бўғин, 24 %и бошланғич таркибдаги раҳбарлардан иборат [5].

Ушбу жиноятлар оқибатида давлат иқтисодиётига етказилган зарар жуда катта. Жумладан, компанияларнинг 25 %ига 100 минг доллардан 1 млрд долларгача, 21 %ига 1 млн доллардан 100 млн долларгача, 3 %ига эса 100 млн доллардан ортиқ зарар етказилган [6].

Аксарият хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ ва Европа давлатларида мансабга боғлиқ ноқонуний молиявий операцияларга тааллуқли иқтисодий жиноятларни содир этишнинг бир неча омили мавжуд. Лекин мазкур жиноятларни содир этишнинг, асосан, уч омили кўплаб кузатилган. Улар қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, мансабдор шахс мазкур жиноятни содир этишдан манфаатдор ёки мажбур бўлиши;
- иккинчидан, мансабдор шахс ноқонуний ҳаракатни содир этиш ёки шу каби қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлиши;
- учинчидан, жиноятнинг содир этилиши объектив ҳолат сифатида асослантириши ёки ўзини оқлашга ҳаракат қилиши.

Айрим хорижий давлатларда ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ давлат манфаатларига ҳилоф равишда битим тузишга тааллуқли иқтисодий жиноятлар ўрганилганда, уларнинг аксарияти ижтимоий хавfli қилмишни содир этиш ёки шу каби қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлган мансабдор шахслар томонидан содир этилганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Жумладан, жиноят содир этганларнинг АҚШда 57 %и, Буюк Британияда 44 %и, Францияда 53 %и ва Сингапурда

23 %и ушбу имкониятга эга бўлган мансабдор шахслардир [6].

Шунингдек, сўнгги йилларда ноқонуний молиявий операциялар билан боғлиқ иқтисодий жиноятлар орасида кибер-жиноятлар, яъни компьютер техникаси воситаларидан фойдаланган ҳолда талон-торож этиш ҳолатлари кўпайиши кузатилмоқда. Криминологлар ушбу жиноятларнинг ўсиш тенденциясини замонавий ахборот технологиялари соҳаси ривожланиши билан боғлаб, келажакда ушбу турдаги жиноятларнинг янада кўпайишини тахмин қилишмоқда.

Кибержиноятлар орасида, айниқса, шахслар, компания ва тижорат муассасалари, ҳукуматлар тўғрисидаги маълумотларга ҳужум уюштириш ҳолати кўп қайд этилади. “Рақамли эра”да биз тўғримиздаги электрон маълумотлар, виртуал оламдаги шахсимизга тааллуқли маълумотлар кундалик турмуш тарзи учун зарур элементлар ҳисобланади. Бу электрон ахборот жиноятчилар учун зарур қуролга ҳам айланиши мумкин. Мазкур маълумотларнинг ўғирланиши жиноятчиларга виртуал тармоқда маълумотлар эгасининг номидан иш кўриш ва йирик миқдордаги зарарга сабаб бўладиган жиноятлар қилиш имконини беради. Бугунги кунда ахборот технологиялари давлатнинг нафақат иқтисодий қудрати, балки ҳарбий салоҳиятини ҳам белгиловчи асосий омиллардан бирига айланди. Чунки айнан ушбу ресурс ҳарбий техника ёки армияга қараганда кўпроқ таъсир кучига эга бўла бошлади. Ахборот технологиялари тараққий этган мамлакат бошқа давлат аҳолисини мафкуравий қарам қилиш имконига эга бўлди. Бу эса амалда бир давлатнинг иккинчиси устидан ҳеч қандай уруш ва қурбонларсиз ҳукмронлик қилишини таъминлаб бермоқда.

Ана шу омиллар саноат шпионажи, компьютер жиноятчилиги, конфиденциал маълумотларга рухсатсиз кириш, ўзгартириш, йўқотиш каби кибержиноятчилик-

нинг урчишига шароит яратди. Бу, ўз навбатида, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ишларни янги босқичга кўтариш заруратини кун тартибига қўймоқда.

Шу боис мамлакатимизда ахборотни муҳофаза қилишнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилиб, қонун ҳужжатлари такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, ахборотлаштириш, давлат сирларини сақлаш, электрон ҳисоблаш машиналари дастурлари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга оид қатор қонун ҳужжатлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда [2].

Хулосалар

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган жиноятларда ўзлаштириш ва растрата йўли билан та-

лон-торож этиш ҳолатлари бошқа жиноятларга нисбатан кўпдир. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу турдаги жиноятларнинг латентлик даражаси бошқа турдаги иқтисодий жиноятлар (коррупция ва порахўрлик) га нисбатан анча юқоридир. Шу сабабли мазкур жиноятларни аниқлаш осон кечмайди.

Шунингдек, террористик ҳаракатларга жалб этиш, кўмаклашиш, террористик ҳаракатларни содир этишга оммавий ундаш, қўллаб-қувватлаш, террористик ҳаракат тўғрисида қасддан ёлғон хабар бериш, террористик гуруҳ ва террористик ташкилот тузиш, унга раҳбарлик қилиш ёки унинг фаолиятида иштирок этиш каби жиноятлар учун жавобгарликни алоҳида моддаларда белгилаш мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Saidov A.X. *Sravnitelnoe pravovedenie (osnovnye pravovye sistemy sovremennosti)* [Comparative jurisprudence (the main legal systems of our time)]: textbook. Moscow, 2000, pp. 36-37.
2. Salayev N.S., Roziyev R.N. *Kiberjinojatchilikka qarshi kurashishga oid millij va xalqaro standartlar* [National and international standards for combating cybercrime]. Monografiya. Under red.: prof. R.A.Zufarov. Tashkent, TSUL, 2018, p. 16.
3. Denisov I.K. *Ponjatie legalizacii (otmyvaniya) denezhnyh sredstv ili mnogo imushchestva v otechestvennom ugolovnom prave* [The concept of legalization (laundering) of funds or a lot of property in domestic criminal law]. I.K. Denisov. Advocate, 2011, no 4, pp. 22-24.
4. Old Dogs, New Tricks-Crime Survey 2016: UK. Available at: <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes> (accessed 15.03.2021).
5. Ivanov M.G. *Sluzhebno-jekonomicheskaja prestupnost: kriminologicheskie i ugolovno-pravovye aspekty* [Service-economic crime: criminological and criminal-legal aspects]: Avtoref. dis. ... kand. jurid. nauk. Nizhnij Novgorod, 2002, p. 39.
6. Dementeva E.E. *Problemy borby s jekonomicheskoy prestupnostju v zarubezhnyh stranah* [Problems of combating economic crime in foreign countries]: Dis. . kand. jurid. nauk. Moscow, 2006, 45 p.
7. Zhubrin R.V. *Borba s legalizaciej prestupnyh dohodov: teoreticheskie i prakticheskie aspekty* [Combating money laundering: theoretical and practical aspects]. R.V. Zhurbin. Moscow, Volters Kluver, 2011, pp. 112-115.
8. Filatova M.A. *Legalizatsiya (otmyvanie) denezhnyh sredstv ili inogo imushchestva, priobretennyh prestupnym putem: nekotorye aspekty oboznachenija v rossijskom i zarubezhnom prave* [Legalization (laundering) of money or other property acquired by criminal means: some aspects of designation in Russian and foreign law]. M.A. Filatova. Vestnik Moskovskogo universiteta, 2012, no 5, pp. 84-94.
9. Korchagin O.N. *Problemnye voprosy implementacii novej redakcii Rekomendacij FATF v nacionalnoe zakonodatelstvo Rossijskoj Federacii i praktiku protivodejstvija legalizacii dohodov, poluchennyh ot nezakonnogo oborota narkotikov* [ON Problematic issues of the implementation of the

new version of the FATF Recommendations into the national legislation of the Russian Federation and the practice of combating money laundering]. O.N. Korchagin. Narkokontrol, 2013, no 4, pp. 6-11.

10. Khamidov N. The Preventive Features of Trafficking in Persons in the Legislation of Uzbekistan. International Journal of Psychosocial Rehabilitation. 24 (1), 2020, pp. 860-865.

11. Khamidov N. The Concept of Transnational Crimes and the Social Necessity of Establishing Liability for them. Review of law sciences, vol. 5, no. Special issue, 2020, pp. 118-127. doi: 10.24412/2181-919X-2020-118-127

12. Zamanov O. Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirish va terrorizmni moliyalashtirish bilan bog'liq xavflar milliy darajada baholanadi [Risks related to money laundering and terrorist financing are assessed at the national level]. Available at: <https://www.norma.uz/> (accessed 22.03.2021).

13. Aslahanov A.A. Problemy bor'by s prestupnost'yu v sfere jekonomiki (kriminologicheskij i ugolovno-pravovoj aspekty) [Problems of combating crime in the economic sphere (criminological and criminal-legal aspects)]: Avtoref. dis. ... doct. jurid. sci. Moscow, 2007, p. 47.

14. Ponamorenko V.E. O riskah vovlecheniya bankov v nezakonnnye finansovye operacii v usloviyah regional'noj integracii [On the risks of involving banks in illegal financial transactions in the context of regional integration]. Economy. Tax. Law, no 3, 2016, p. 144.

15. Ochilov K. (2020) Some judgments about the problems of qualification of larceny of other people's property using computer tools in the current judicial reforms. Review of law sciences, vol. 4. Iss. 1, Article 23. DOI: 10.24412/2181-1148-2020-1-205-210

16. Pismo Banka Rossii ot 10.06.2013 № 104-T «O povyshenii vnimanija kreditnyh organizacij k otdelnym operacijam klientov». Vestnik Banka Rossii. № 33. 19.06.2013.; Pismo Banka Rossii ot 19.06.2013 № 110-T «O povyshenii vnimanija kreditnyh organizacij k otdelnym operacijam klientov». Vestnik Banka Rossii. № 35. 26.06.2013.; Pismo Banka Rossii ot 03.10.2014 № 168-T «O povyshenii vnimanija kreditnyh organizacij k otdelnym operacijam klientov» ["On increasing the attention of credit institutions to certain customer operations"]. Vestnik Banka Rossii, no 93, 08.10.2014.

17. Doklad EAG. Legalizacija prestupnyh dohodov i finansirovanie terroristicheskoy dejatel'nosti s ispolzovaniem nalichnyh denezhnyh sredstv i denezhnyh instrumentov. [Legalization of proceeds of crime and financing of terrorist activities using cash and monetary instruments]. Nojabr, 2012. Available at: http://eurasiangroup.org/WGTYP_2012_10_rus.pdf (accessed 10.10.2015).

18. Doklad FATF. Rol sistem „havala“ i drugih provajderov analogichnyh uslug v OD/FT. [The Role of Hawala Systems and Other Similar Service Providers in ML/FT]. Okt., 2013. Available at: <http://www.mumcfm.ru/index.php/ru/materials/books> (accessed: 10.10.2015).

19. Available at: <http://crimerussia.ru/gromkie-dela/73322-tsb-perekryvaet-vyvod-sredstv-cherez-fondovyj-rynok>

20. Available at: <https://news.mail.ru/economics/23971102/>

21. Available at: www.law.cornell.edu/uscode/text/18/1031

22. Available at: www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/german_criminal_code.pdf

23. Available at: www.oecd.org/site/adboecdanti-corruptioninitiative/46816472.pdf

24. Available at: <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes>

25. Ochilov Kh. Experience of foreign countries in combating corruption in the private sector. Society and Innovation. 2020, vol. 1, no 2, pp. 225-232.

26. Global Economic Crime Survey 2016-Adjusting the Lens on Economic Crime, p. 1.

27. Rossijskij obzor jekonomicheskix prestuplenij za 2016 god-Vzgljad v budushhee s umerennym optimizmom. Russian Economic Crime Survey 2016. A Moderately Optimistic Outlook. p. 6-7.

28. La fraude explose en France. [Fraud explodes in France]. Available at: <http://www.legislationline.org/documents/section/criminal-codes>(accessed 15.03.2021).

29. Salaev N. (2017) Differentiation, individualization, execution of criminal punishments and its goals: way to success. Review of law sciences, vol. 1: Iss. 1, article 25. Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol1/iss1/25

30. Salaev N., Khamidov N. Qualification Of Smuggling: Uzbek Legislation And Foreign Experience. Ilkogretim Online, 2021, vol. 20, no 3, pp. 1661-1667.